




Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг қонунчилик асослари



Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар





Конвенцияда қуйидаги тўртта асосий мавзу ёритилган:

- 1 Коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар
- 2 Халқаро ҳамкорлик
- 3 Жиноятчилик ва қонунчилик чора-тадбирлари
- 4 Активларни қайтариш

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси (UNCAC)

БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58-сессияси ялпи мажлисида қабул қилинган ва 2005 йил 14 декабрда кучга киритилган коррупцияга қарши халқаро-ҳуқуқий ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясига қўшилган

Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни (International Anti-Corruption Day)


Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташаббусига асосан ҳар йили **9 декабрда** нишонланади. Ушбу кун, 2003 йил 9 декабрда Мексиканинг Мерида шаҳрида юқори даражали сиёсий конференцияда БМТ коррупцияга қарши Конвенцияси имзолаш учун очилган (2003 йил 31 октябрда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган).



Конвенция мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- а) янада самарали ва таъсирчан равишда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш ҳамда мустаҳкамлашга қўмаклашиш;
- б) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, шу жумладан активларни қайтариш борасида халқаро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам кўрсатилишини рағбатлантириш, осонлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;
- в) ҳалоллик ва содиқлик, масъулиятлилиқ ҳамда оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни талаб даражасида бошқаришни рағбатлантириш.





Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари



Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (1/11)

- 1 Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни.
- 2 Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 01 апрелдаги Жиноят кодекси.
- 3 Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 08 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сонли Қонуни.
- 4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли Қарори.
- 5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони.
- 6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони.
- 7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли Фармони.
- 8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони.
- 9 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
- 10 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли Қарори.



Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (2/11)



Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни

Мақсади: Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок қилувчи органлар ва ташкилотларни, давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилайди

3-модда. Асосий тушунчалар

Коррупция

шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик

коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

Манфаатлар тўқнашуви

шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (3/11)



Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни



Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари (4-модда)

1. Қонунийлик
2. Фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги
3. Очиқлик ва шаффофлик
4. Тизимлилик
5. Давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги
6. Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги
7. Жавобгарликнинг муқаррарлиги.



Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари (5-модда)

1. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.
2. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш.
3. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.



Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (4/11)



Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни



Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар (19-модда)

- давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;
- давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;
- мансабдор шахслар томонидан ўз мансаб мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;
- давлат органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;
- давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;
- хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;
- давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши устидан назоратни таъминлаш;
- коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан тегишли органлар томонидан кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;
- давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш.



Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар (20-модда):

- маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш;
- давлат органларининг назорат-текширув вазифаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашишга йўл қўймаслик;
- давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масофавий шаклларини кенг жорий этиш;
- тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик;
- давлат харидларининг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, давлат харидларини жойлаштиришда ошкоралик, шаффофликни таъминлаш ҳамда рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш;
- таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бошқа соҳаларида аҳоли учун адолатли шарт-шароитларни ҳамда тенг имкониятларни яратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;
- нодавлат ташкилотларда коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларини жорий этиш.



Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (5/11)



Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни



Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар (22-модда)

- қонунийлик ва адолатлилик принципларини таъминлаш, маъмурий-бошқарув жараёнининг беғаразлиги кафолатларини яратиш, ушбу жараённинг шаффофлигини, ташқи ва ички назорат учун очиқлигини ошириш;
- ўз ихтиёрича ҳаракат қилиш ваколатларини чеклаган ҳолда маъмурий тартиб-таомилларни батафсил тартибга солиш, бюрократик расмиятчиликка йўл қўймаслик;
- соддалаштирилган маъмурий тартиб-таомилларни жорий этиш;
- давлат органларининг қарорлари устидан шикоят қилишнинг ва етказилган зарар ўрнини қоплашнинг самарали механизмларини белгилаш.



Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар (23-модда)

- давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш;
- адолатли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида ҳолисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш;
- ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек давлат харидларини ўтказиш натижалари юзасидан шикоят қилиш ва низолашишнинг самарали тартиб-таомилини яратиш;
- давлат электрон савдоларининг самарали ишлашини таъминлаш.



Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар (21-модда)

- Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.
- Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.
- Давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.
- Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.



Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (6/11)



Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни



Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик (27-модда)

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.


Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.

Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 01 апрелдаги Жиноят кодекси

Жиноят кодекси жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди. Бундай қилмишлар рўйхатига коррупция ҳаракатлари киради.



Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (7/11)



Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 08 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сонли Қонуни

Мақсади: Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақомини, давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашишга доир талабларни ва бошқа қоидаларни белгилайди.

Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат (15-модда):

- давлат фуқаролик хизматчилари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслиги;
- Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;
- давлат фуқаролик хизматчисининг манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат ўтказилишини таъминлаш;
- давлат фуқаролик хизматчисининг даромадлари ва мол-мулкини декларациялаш тизимини жорий этиш;
- давлат фуқаролик хизматчиси томонидан совғалар олиш ва бериш тартибини белгилаш;
- давлат фуқаролик хизматчисининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш;
- қонунчиликда давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчисининг коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабати (16-модда)

- Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт.
- Агар давлат фуқаролик хизматчиси коррупция фактлари тўғрисидаги ахборотга эга бўлса, у коррупциянинг олдини олиш учун зарур чоралар кўриши, шу жумладан юқори турувчи давлат органини (мансабдор шахсини) ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органини дарҳол хабар қилиши ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этиши керак.
- Коррупция фактлари тўғрисида хабар берган давлат фуқаролик хизматчисига қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ҳимояси таъминланади.



Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (9/11)



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3287).

Вазирнинг буйруғига асосан коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш, коррупциявий омилларни аниқлаш, коррупцияга қарши экспертизасини амалга оширадиган адлия органи ходимининг ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилаш тартиби, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш методикаси белгиланган.

Коррупцияга қарши экспертиза — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш, аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи.

Коррупциявий омил — коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган ҳуқуқий нормалар.

Чеклист — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича намунавий шаклдаги саволнома.

Ишлаб чиқувчи — норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишни амалга оширувчи давлат органи ва ташкилоти.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАСINI ЎТКАЗИШ СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ишлаб чиқувчи	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, унинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш, натижаси бўйича чеклист тўлдириш.	Заруратга кўра
2-босқич	Ишлаб чиқувчи	Лойиҳа ва чеклистни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш	Жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш муддатида
3-босқич	Ишлаб чиқувчи	Жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш натижалари бўйича қайта ишланган лойиҳа, чеклист ва бошқа зарур материалларни ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун адлия органларига киритиш	Жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва идоралараро келишишдан сўнг
4-босқич	Адлия органлари	Коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш, натижаси бўйича хулоса тақдим этиш	Ҳуқуқий экспертиза муддатида
5-босқич	Ишлаб чиқувчи	Лойиҳа, чеклист ва бошқа зарур материалларни Вазирлар Маҳкамаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи давлат органига киритиш	Ҳуқуқий экспертизадан сўнг



Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (10/11)



Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

01.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони.

Фармон давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш юзасидан талабларни, шунингдек коррупцияга йўл қўйилмаслигига йўналтирилган бошқа талабларни белгилайдиган 2021-2022 йиллар учун давлат дастурини тасдиқлайди.

02.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони.

Фармон барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштириладиган ижтимоий аҳамиятли маълумотлар рўйхатини, шунингдек ушбу маълумотларни жойлаштириш ва янгилаш тартибини ва муддатларини тасдиқлайди. Ижтимоий аҳамиятли маълумотларга мисоллар: маҳаллий бюджетларнинг чиқимлари ва киримлари сметалари тўғрисида маълумотлар; Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, бошқа назорат органлари томонидан ўтказилган тафтишлар ва текширувлар тўғрисида маълумотлар.

03.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли Фармони.

Фармон давлат органлари учун коррупция ва хуфёна иқтисод рейтингини тузилишини назарда тутди, шунингдек уларни баҳолаш мезонлари ва тартибини белгилайди.



Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (11/11)



Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

04.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони

05.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони

06.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли Қарори

Ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилган, унинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши таркиби белгиланган.

Фармон Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларини, давлат органларига коррупция хавф-хатарларини баҳолаш ўтказилиши тўғрисида талабларни, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия таркиби ва вазифаларини, шунингдек 2019-2020 йиллар учун Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш юзасидан давлат дастурини белгилайди.

Давлат хизматчиларининг асосий одоб-ахлоқ принциплари ва қоидаларини, шахсий манфаатдорликка ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик юзасидан талабларни белгилайди, шунингдек ушбу қоидалар талаблари бузилганлиги учун жавобгарлик белгиланган.





Билимларни текшириш

Тест



Қуйидаги фикр тўғрими: «Ўзбекистон Республикаси БМТ коррупцияга қарши Конвенциясини имзолаган ва ратификация қилган»?

- a** Ҳа
- b** Йўқ

Тест

2



Ўзбекистон Республикасининг қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжати давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки мажбурий декларация қилинишини назарда тутди? Бир ёки бир неча жавоб вариантларини танланг.

- a Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни.
- b Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши мурасимсиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони.
- c Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 08 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сонли Қонуни.
- d Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли Фармони.

3



Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни мақсади қуйидагиларнинг қайси биридан иборат?

- a Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш.
- b Фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш.
- c Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш.
- d Одоб-ахлоқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш.





Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини танланг:

- a Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.
- b Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чоратadbирларни амалга ошириш.
- c Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.
- d Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсати мавжуд эмас.



Тест



5

Қуйидаги фикр тўғрими: «Манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият»?

- a Ха
- b Йўқ



6

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- a Қонунийлик
- b Фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги
- c Очиқлик ва шаффофлик
- d Юқорида қайд этилган барча қоидалар



Тест



Тўғри фикрни танланг:

- a) давлат органлари ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўйишлари керак.
- b) Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан ҳолис муносабатни намоён қилиши ва унга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қўллаб-қувватлаши керак.
- c) Коррупция фактлари тўғрисида хабар берган давлат фуқаролик хизматчисига қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ҳимояси таъминланади.
- d) Барча фикрлар тўғри.



Қуйидаги қайд этилган органлардан қайси бири коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги сиёсатни амалга оширади ва шакллантиради?

- a) ЎзР Адлия вазирлиги
- b) ЎзР Бош прокуратураси
- c) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
- d) Давлат хавфсизлик хизмати



Тест



9

Халқаро ҳамкорликни амалга ошириш функцияси қуйида қайд этилган органлардан қайси бирига тегишли?

- a ЎзР Ички ишлар вазирлиги
- b ЎзР Адлия вазирлиги
- c ЎзР Бош прокуратураси
- d Юқорида қайд этилган барча органлар




10

Қуйидаги фикр тўғрими: «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик жиноий жавобгарлик назарда тутилган қилмиш ҳисобланмайди»?

- a Ҳа
- b Йўқ



Тест



Қуйида қайд этилган ҳаракатлардан қайси бири Ўзбекистон Республикасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар таркиби ҳисобланади?

- a Пора олиш.
- b Мансабдор шахсни моддий қимматликлар бериш / уни мулкый манфаатдор этиш орқали пора эвазига оғдириб олиш.
- c Пора олиш-беришда воситачилик қилиш.
- d Юқорида қайд этилган барча ҳаракатлар.



Қурилиш компанияси раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган давлат хизматчиларидан бирига қурилиш учун йирик контракт тузиш умидида таъмирлаш бўйича бепул хизматлар кўрсатди. Мазкур вазият қандай коррупция ҳаракатини ўз ичига олган?

- a Пора.
- b Лавозим ваколатларини суиистеъмол қилиш.
- c Манфаатлар тўқнашуви.
- d Тўғри жавоб йўқ.



Эътиборингиз учун раҳмат!

